

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА,
КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ
БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИФИНИНГ
БҮЙРУГИ

42

Техник этил спиртини ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларининг 48-бандига ўзгар- тириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2015-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли «Мехнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли «Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2009 йил 7 сентябрдаги 170-сонли бўйруғи (рўйхат рақами 2015, 2009 йил 12 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 42-сон, 451-модда) билан тасдиқланган Техник этил спиртини ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларининг 48-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 35-сон, 407-модда) асосида амалга оширилиши лозим.».

2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi, Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзқимёсаноат» ДАК билан келишилган.

3 (607)-сон

— 39 —

42-модда

3. Мазкур буйрук расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 9 январь,
6-сон

Келишилган:

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

A. ХАИТОВ

2014 йил 3 январь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

T. НАРБАЕВА

2013 йил 10 декабрь

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўймитаси раиси*

Б. ЗАКИРОВ

2014 йил 6 январь

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2013 йил 9 декабрь

Соғлиқни сақлаш вазири

A. АЛИМОВ

2013 йил 17 декабрь

*«Ўзқимёсаноат» ДАҚ
Бошқарув раиси*

X. ШЕРМАТОВ

2014 йил 8 январь